

ТАРМОҚЛАР КЕЛИШУВИ-АМАЛДА



Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси томонидан, Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2021-2023 йиллар учун ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 51-моддасига асосан Б-26 сон билан билдириш рўйхатидан ўтказилганлиги маълум қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (бундан кейин «Иш берувчи») ва Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши (бундан кейин «Республика кенгаши») кейинги ўринларда “Томонлар” деб аталади. Ушбу Тармоқ келишуви Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг ИВ-боби асосида тузилган. Тармоқ келишуви Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг барқарор ишлашини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларини белгилаб беради, шунингдек тизимдаги қўйи ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари ва шу жамоанинг барча

ходимлари ҳамда касаба уюшмаси қўмиталарига ҳам татбиқ этилади. Мазкур Келишув иш берувчилар билан касаба уюшмаси қўмиталари ўртасида тузиладиган жамоа шартномалари учун асос бўлади. Республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2021-2023 йиллар учун ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ (келгусида - Тармоқ келишуви деб юритилувчи) меҳнат ва ишлаб чиқариш муносабатларини, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солувчи ҳамда ходимларни ижтимоий кафолатлар билан таъминловчи тармоқ микёсидаги меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу Тармоқ келишуви Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 88-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федератсияси Кенгаши, Ўзбекистон Иш берувчилар конфедератсияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид имзоланган 2020-2022 йиллар учун Бош келишуви ва бошка норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиб, Томонлар қўйидагиларни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар: - меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида касаба уюшмалари билан тизимли ҳамкорликни таъминлаш; -колл-марказлар, сайёр қабулларни жорий этиш ва ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизмини янада такомиллаштириш; -тизимдаги Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг асос солувчи Конвенсияларига оғишмай риоя этишга доир чоралари тизимини ҳар йили таҳлил қилиб бориш; Ҳалқаро Меҳнат Ташкилотининг қўйидаги Конвенсияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш: -«Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида»ги 29-сонли Конвенсия ва шу Конвенсияга Баённома; -«Кирк соатлик иш ҳафтаси тўғрисида»ги 47-сонли Конвенсия; -«Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисида»ги 52-сонли Конвенсия; -«Меҳнат инспекцияси тўғрисида»ги 81-сонли Конвенсия; -«Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-сонли Конвенсия; -«Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш ҳуқуқи принципларини қўллаш тўғрисида»ги 98-сонли Конвенсия; -«Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркалар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида»ги 100-сонли Конвенсия; -«Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 103- сонли Конвенсия; -«Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида»ги 105-сонли Конвенсия; -«Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида»ги 111-сонли Конвенсия; -«Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида»ги 122-сонли Конвенсия; -«Қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисида»ги 129-сонли Конвенсия; -«Меҳнаткашларнинг вакиллари тўғрисида»ги 135-сонли Конвенсия; -«Ишга қабул қилиш учун энг

кичик ёш тўғрисида»ги 138-сонли Конвенсия; -«Халқаро Меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида»ги 144-сонли Конвенсия; -«Жамоа музокараларини олиб бориш тўғрисида»ги 154-сонли Конвенсия;

-тизимдаги барча ташкилотлар раҳбарлари, кадрлар бўлими мутахассислари, ҳуқуқшунослар ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси раисларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида меҳнат қонунчилигини бузилишларини олдини олиш ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалаларида ўқув-семинарлар ташкил қилиш, шунингдек, долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмаси фаоллари ва вакиллари билан давра суҳбатлари ташкил қилиш ҳамда ўқув семинарларига «Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари» мавзусида тренинглар ва тушунтиришлар олиб бориш; -тизим ташкилотлари раҳбарлари билан касаба уюшмаси қўмиталари ўртасида жамоа шартномалари тузилишида амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда жамоа шартномаларига ходимларнинг касбий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг долзарб масалаларининг киритилишига эришиш ва бажарилишини назорат қилишни; -иш берувчи тизим ташкилотларда касаба уюшмаси ташкилотларини тузишга кўмаклашиб, уларнинг фаолияти учун керакли шароитлар яратишда ҳамкорлик қилади. Ушбу тармоқ келишуви қуйидаги 12 та бўлимдан иборат;

1) Умумий бўлим. 2) Меҳнат шартномаси, бандлик кафолатлари. 3) Иш вақти ва дам олиш вақти. 4) Меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари. 5) Меҳнат интизоми. 6) Меҳнат низоларини ҳал этиш. 7) Меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси. 8) Ижтимоий суғурта, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар. 9) Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар. 10) Ёшлар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар. 11) Маънавий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш. 12) Келишувнинг амал қилишида уни амалга ошириш механизми бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлиги бўлимларидан ва 121-та моддадан иборат. Ушбу тармоқ келишуви ташкилот ва корхоналар билан ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларида бериладиган имтиёзлар, тўловлар ҳамда бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари кафолати ҳисобланади, шу муносабат билан туманимизнинг ташкилот, корхона ва муассасаларнида фаолият юритувчи барча ишчи ва ходимлар учун ТАРМОҚ КЕЛИШУВИни ўрганиб чиқиш фойдадан ҳоли бўлмаслиги аниқ.

Узун тумани Адлия бўлими ЮХКМ

бош юрисконсулти Р.М.Аллаяров